



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАККИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 203 (8443).

24 октябрь, 1984 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI
СЪЕЗДИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ХОДИМЛАРИ!
ДЕХҚОНЧИЛИКНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН
СИСТЕМАНИ АКТИВРОҚ ЖОРИЙ ҚИЛИН-
ГИЗИ! ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИ-
ШИННГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ
УЧУН МЕЛИОРАЦИЯДАН КЕНГ ФОЙДАЛА-
НИНГИЗИ!
ДОН, ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ ВА БОШҚА
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ЕТИШТИ-
РИШНИ ҚУПАЙТИРИНГИЗИ!
КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА ЭЪТИБОР ВА
ҒАМХҲУРЛИК-ҚИЛАЙЛИК!
(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 23 октябрда КПСС Марказий Комите-
тининг навбатдаги Пленуми бўлди.

Пленумни очиб вақтида КПСС Марказий Ко-
митетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко
катта нутқ сўзлади.

Пленум «Мамлакатнинг озиқ-овқат фондиди
муттасил ошириб бориш мақсадида узоқ муддат-
ли мелiorация программаси, мелiorация қилин-
ган ерлардан фойдаланиш самардорлигини оши-

риш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Шу
масала юзасидан КПСС Марказий Комитети
Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Со-
ветининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов доклад қилди.

Музокараларда КПСС Саратов область коми-
тетининг биринчи секретари В. К. Гусев, Украина
ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Қозогис-

тон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А.
Назарбобоев, Беларуссия Компартияси Марказий
Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков,
Ставрополь ўлкаси, Степнов районидаги «Путь к
коммунизму» колхозининг раиси Н. Д. Терещен-
ко, Молдавия Компартияси Марказий Комитети-
нинг биринчи секретари С. К. Гроссу, СССР ме-
лиорация ва сув хўжалиги министри Н. Ф. Ва-
сильев, КПСС Краснодар ўлка комитетининг би-
ринчи секретари Г. П. Разумовский, РСФСР

қишлоқ хўжалиги министри В. П. Никонов,
КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секре-
тари Н. Ф. Аксенов, Литва Компартияси Марка-
зий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гриш-
квичус қатнашдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан КПСС
Марказий Комитетининг Пленуми қарор қабул
қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.
Шу билан Пленум ўз ишнини тамомлади.

КПСС Марказий Комитетини Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетини Пленумида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!
Бугун КПСС фаолияти-
нинг олий мақсади — совет
кишилари турмуш даража-
сини муттасил оширишга бе-
восита тааллуқли бўлган ма-
сала кўриб чиқилмоқда. Гап
қишлоқ хўжалик ишлаб чи-
қаришини изчиллик билан
интенсивлаштириш, ерларни кенг
кўламда мелiorациялаш асо-
сида озиқ-овқат проблемаси-
ни ҳал этишга қаратилган
катта-катта қўшимча тад-
бирлар тўғрисида бормоқда.

Маълумки, биз Марказий
Комитетининг 1982 йил май
Пленумида мамлакатнинг
Озиқ-овқат программасини
коллектив равишда ишлаб
чиқиб, тасдиқлаган эдик.
Орадан фақат икки йил ўт-
ган бўлса-да, бу йиллар са-
марали даяр бўлди, деб ко-
мил ишонч билан айтиш
мумкин.

1983 йилда мамлакатнинг
бутун тарихи давомида қиш-
лоқ хўжалик маҳсулотининг
энг юқори ҳажмига эришил-
ди. Бу йил ҳам низоҳатда но-
қулай об-ҳаво шароитлари-
да, жуда қаттиқ қурғоқчи-
лик бўлишига қарамай, қўп-
гина районларда қишлоқ
меҳнаткашлари натижа кам
бўлмаслигини учун қаҳрамон-
она курашмоқдалар. Бугун-
нинг ўзидаёқ шу нарсани ра-
вшанки, 1983—1984 йиллари
да етиштирилган жами қиш-
лоқ хўжалик маҳсулоти беш
йилликнинг дастлабки икки
йиллигидан нисбатан тахмин-
ан йигирма миллилард сум-
лик кўп бўлади.

Чорвачиликда рўй бераёт-
ган ўзгаришлар айниқса қў-
вончилар, сут етиштириш
ўртача йиллик миқдори 7,4
миллион тонна, гўшт етиш-
тириш — 1,4 миллион тон-
на, тухум етиштириш эса 4,6
миллилард донга кўпайди. Саб-
завот ва мева ҳосили анча
ошди. Бу — баъзи қimmat-
ли маҳсулотларни истеъмол
қилиш даражасини ошириш
имконини берди, бу эса со-
вет кишилари овқатланиш
структурасини яхшилашга
ҳам таъсир ўтказди.

Хуллас, қишлоқ хўжалик
ишлаб чиқаришида муваффа-
қиятлар мавжуд ва улар
шубҳасиздир. Шу муваффа-
қиятлар тўғрисида гапириб
ўтмаслик дала ва фермалар
хўжалиқларининг фидокорона
ҳамда қийин меҳнатига му-
носиб баҳо бермаслик бўлар
эди. Партия комитетлари, со-
вет ва хўжалик органлари-
нинг қишлоқдаги қизгин
ташқиловчи ҳамда сиёсий
ишларига муносиб баҳо бе-
риш керак. Саноатдаги, қу-
рилиш, транспорт, бутун
халқ хўжалигини меҳнат
коллективларининг қишлоқ
хўжалигини ривонлаштириш-
га қўшаётган гойат катта ҳис-
сасини ҳам қайд этиб ўтиш
лозим.

Биз қишлоқ хўжалик маҳ-
сулоти етиштиришни оши-
риш соҳасидаги куч-ғайрат-
ларимизни бундан бўён ҳам
кўпайтира беришимиз, агро-
саноат комплекси барча тар-
моқларининг муваффақият
ишлаши учун зарур шарт-

шароитлар вужудга келтири-
шимиз шарт, албатта.

Дон етиштириш мутта-
сил кўпайтириб бориш —
аввал бўлганидек ҳозирда ҳам
энг асосий проблемадир. Дон
етиштиришни ўстиришнинг
шундай суръатларини таъ-
минлаш керакки, яқин йил-
лар ичида мамлакатнинг бар-
ча талаб-эҳтиёжлари тўла-
тўқис қондириладиган бўл-
син.

Кечинтириб бўлмайдиган
иккинчи вазифа — чорвачи-
ликдаги иқобий тегишчилар-
нинг мустақамлашдан, уни
жадал ривонлаштириш учун
барча зарур шартларни қилиш-
дан иборатдир. Биз аввало
подани сифат жиҳатдан ях-
шилаш ва ем-хашак базаси-
ни қатъий мустақамлаш
йўли билан чорва маҳсул-
дорлигини оширишимиз кера-
к. Мажбур чорва моллар-
дан ем-хашак, меҳнат ва
маблагларни оқилона сарф-
лаган ҳолда кўпроқ маҳсулот
олиш — чорвачиликни ри-
вонлаштиришнинг асосий йў-
налиши бўлиб қолиши ло-
зим.

Ҳеч шубҳасиз, қишлоқ хў-
жалик ишлаб чиқаришини
ҳар томонлама интенсивлаш-
тириш учун саноат негизига ўт-
кизиш — маана шу гойат муҳим
вазифаларни ҳал этишнинг
бирдан-бир тўғри йўлидир.
Биз қишлоқ хўжалигига ка-
питал маблаг сарфлашни
бундан бўён ҳам оширава-
миз, унга техникани, бошқа
моддий воситаларни кўпроқ
етказиб бераверамиз, албат-
та. Аммо бугун ҳам, келгу-
сида ҳам ана шу ресурслар-
дан юксак самара билан
фойдаланиш, уларни энг кўп
ва тез самара олиш мумкин
бўлган участкаларга жам-
лаб асосий вазифадир.

Бундай ёндашув ҳозирда-
ёқ саноат парандачилигида,
чорвани сўқимга боқишда,
маккажўҳори, қанд лавлаги,
бошқа экинларни саноат те-
хнологияси асосида етишти-
ришда салмоқли натижалар-
ни таъминлади. Яқинда Мар-
казий Комитет Сиёсий бюроси
кузги ва баҳорги бугдой
етиштиришнинг интенсив ме-
тодларини жорий этиш тад-
бирларини маъқуллади. Бун-
дай методлар мамлакатга қў-
шимча миллионлаб тонна
дон бериш керак. Қишлоқ
хўжалик ишлаб чиқариш-
нинг барча тармоқларида ма-
на шу боп йўлдан кенг
жабҳада ҳаракат қилиб бо-
риш лозим.

Ўртоқлар! Ҳозирги бос-
қичда еришилган барча иқо-
бий натижалар ва биз қили-
шимиз лозим бўлган ишлар
кўп жиҳатдан қишлоқни со-
циал ўзгаришларга доир қў-
риладиган тадбирларга бо-
ғлиқдир. Партия кишилар тў-
ғрисида ғамхўрлик қилишни,
уларнинг меҳнати ва турму-
ши учун, маданий ҳаётини
янада равшан топтириш учун
тегишли шарт-шароитларни
вужудга келтиришни ишлаб
чиқаришдаги муваффақият-
ларнинг негизи деб билим-
оқ. Сиёсий буюро бу маса-
лаларга зўр эътибор бериб
келмоқда ва бундан бўён
ҳам шундай эътибор бераве-

ради. Бугун биз қишлоқ меҳ-
наткашларининг турмушида
туб ўзгаришлар содир бўл-
моқда деб, қишлоқларимиз-
нинг қиёфаси яхшиланиб бормо-
қда деб, жуда равшан ай-
та оламиз.

Беш йилликнинг тўрт йи-
ли мобайнида қишлоқда жа-
ми саҳни 132 миллион квад-
рат метрга борадиган уй-
жойлар фойдаланишга топ-
ширилади, бу эса ўн милли-
ондан кўпроқ кишининг уй-
жой шароитларини яхши-
лаш имконини беради. Мак-
таблар, мактабгача болалар
муассасалари, соғлиқни сақ-
лаш ва маданият объектла-
ри қурилиши кўламлари ке-
нгайди, маиший хизмат тако-
миллаштирилмоқда, колхоз-
чилар билан совхоз ходимла-
рининг реал даромадлари
йил сайин ортиб бормоқда,
моллар сотиш тез кўпаймоқ-
да.

Ўртоқлар, қуйидаги ра-
қамларнинг мағзини қаёб
қўлинг. СССР Марказий ста-
тистика бошқармасининг
маълумотларига кўра, ҳозир
қишлоқдаги ҳар юз оила-
нинг 85 тасида телевизор, 73
тасида радиоприйманик, 87
тасида холоидильник, салкам
60 оиланда эса кир ювиш
машинаси бор. Қишлоқ жой-
ларидан деярли ҳар икки
оиланинг бири енгил авто-
мобил ёки мотоциклга эга.
Бугуннинг ҳаммаси програм-
манинг назоратининг бир-
и — қишлоқ аҳолисининг
турмуш даражасини шаҳар
аҳолиси турмуш даражасига
яқинлаштириш вазифасини
ҳал этиш йўлидаги кўзга қў-
ринарли ютуқлардан, дало-
лат беради.

Шундай бир масалани
олиб кўрайлик. Шахсий ёр-
дамчи хўжаликларнинг ривож-
лантириш тўғрисидаги маъ-
лум қарорлар қабул қилин-
гандан кейин аҳолига қар-
рашл қорамоллар сонин би-
р миллион олти юз минг бош
кўпайди, чўчқалар туёғи ҳам
хуш шундай ошди. Қўй ва
паррандалар кўпроқ парва-
риш қилинадиган бўлиб қол-
ди. Булар бизнинг колхоз-
совхоз ишлаб чиқаришимиз-
га муҳим қўшимчадир.

Кейинги йилларда қишлоқ
аҳолисининг шаҳарларга ке-
тиб қолиши камаё бошла-
ганининг алоҳида қайд этиб
ўтмоқчимиз. Шунинг тўп-
таври айтганимиз, бу — ор-
зиқиб қутилган жараён бў-
либ, эндиликда у реал во-
қеликка айланиб қолди, уч
йил мобайнида одамларнинг
қишлоқдан кетиб қолиши
умуман саккиз процент ка-
майдир. Россия Федерацияси-
да — 24 процент, Ноқора-
тупроқ зонада эса — 30
процент камайдир.

Қишлоқ оилаларида туғи-
лиш ошганили ҳам жуда
муҳимдир. Шу беш йиллик
давомида РСФСР, Украина, Бело-
руссия, Болтиқ бўйи рес-
публикалари учун бу хусуси-
ят айниқса хосдир. Ваҳолан-
ки, мазкур регионларда де-
мография соҳасидаги маъ-
лум қийинчиликлар ҳали сақ-
ланиб қолмоқда. Умуман
мамлакатда эса, 1983 йилда
қишлоқдаги туғилиш ке-

йинги йигирма йил мобайни-
да энг юксак даражага етди.
Ўртоқлар, мен қисқача
нутқимда Озиқ-овқат про-
граммаси бажарилишининг
дастлабки якуларини тўла-
тўқис анализ қилишни мақ-
сад қилиб қўйганим йўқ.
Бир нарсани қатъий қилиб
айтиш мумкинки, бу про-
грамма амалга оширилмоқда
ва бунинг совет кишилари яқ-
қол кўриб турибдилар.

Биз асло хотиржам бўлиб
қолмоқчи эмасмиз, албатта.
Қишлоқ хўжалигининг бир
қанча участкаларида аҳ-
вол қийин бўлиб қолмоқда.
Шу тармоқ маҳсулотини
етиштириш мамлакатнинг
ортиб бораётган талаб-эҳти-
ёжларидан ҳали орқада қо-
лмоқда. Эришилган барча
иқобий натижаларга қара-
май, кўпгина шаҳарларнинг
аҳолисини озиқ-овқат маҳсу-
лотлари ва аввало гўшт би-
лан таъминлашда таъқиқ-
ли ҳали баргараф этилма-
ди. Бу ҳам Марказий Ко-
митетини ташвишлантирмоқ-
да, бу ҳақда кун сайин ғам-
хўрлик қилинмоқда.

Ҳаёт қишлоқ хўжалигини
экономиканинг юксак дара-
жада ривонлашган секторига
айлантириш йўлида ўртага
қўйётган проблемалар ян-
гича, жуда самарали ҳал
этилишини талаб қилди.
Бундан гап йўл-йўрқлари-
мизни ўзгариштириш тўғрисида
эмас, балки чинакам нова,
торларча ва иқидий ёндо-
шу йўлларини қидириб то-
пиш ҳақида бормоқда.

Марказий Комитет шунга
асосланиб, бугунги кунда ер-
ларни мелiorациялашнинг кенг
кўламда авж олдириш тў-
ғрисидаги масалани ўртага қў-
йиб, бунинг қишлоқ хўжалиги-
ни янада юксаклатишнинг,
мамлакат озиқ-овқат фонди-
ни барқарор кўпайтириб бо-
ришининг ҳал қилувчи оми-
ли, деб билим-оқ.

Ўртоқлар, қишлоқ хўжа-
лик ишлаб чиқаришининг қан-
дай мураккаб шароитларда
жорийишимизга тўғри келаёт-
ганини билан ахши бил-
ласанлар. Чунки энин май-
донларнинг гойат катта қис-
ми ноқулай табиий иқлим
шароитларида жойлашган,
қурғоқчиликка дуч келмоқ-
да. Шундай ахволда барқа-
роқ ҳосил олиш учун қиш-
лоқ хўжалигининг об-ҳаво
иниқчиликларидан зарар кў-
ришини низоҳат қилиш
керак.

Бу — гойат катта вазифа,
ғайларнинг асрлар бўйи
қилинган орасидир. В. И.
Ленин Совет ҳокимиятининг
дастлабки йилларидаёқ шу
вазифани ҳал этиш йўлида
тўғрисида ўйлаган эди. 1921
йилда В. И. Лениннинг та-
шаббуси билан Меҳнат ва
мудоффа кенгашининг «Қўр-
ғоқчиликка қарши кураш
тўғрисида»ги қарори қабул
қилинган бўлиб, унда қуйи-
дагилар айтилган эди: «Қўр-
ғоқчиликка қарши кураш
мамлакатнинг қишлоқ хўжа-
лик турмуши учун гойат му-
ҳим аҳамиятга молик иш деб
ва шу соҳада қўрилаётган
тадбирлар жанговар аҳамия-
тга эга бўлган тадбирлар
деб топилсин».

Владимир Ильич худди
шу йили Кавказ коммунист-
ларига мактуб орқали му-
рожаат этди. У низоҳатда ра-
вшан ва теранлик билан қў-
йидагиларни ўқитириди: «Ҳам
мадан ҳам сугориш иши за-
рурдир ва бу ўлкани ҳамма-
дан кўра кўпроқ ўзгаришиб
юборади, уни яшнатади, ўт-
мишга хотима беради, соци-
ализмга ўтишни мустақам-
лайди».

Ўша пайтда вазифа мана
шундай ленинчисида доно
ва зукколик билан ўртага
қўйилган эди. Бу вазифа
бизнинг кунларимизда ҳам
жуда муҳимдир ва ўткир-
лигини йўқотмаганини
исботлаб ўтиришимиз
ҳажат бўлмас керак деб
ўйлайман. Пировард натижа-
да кишиларни ҳосил тақди-
ри учун жуда қаттиқ таши-
вилаштириш ҳалос этиш,
уларга табиий офат устидан
ғойиб қийин қувончини
бахш этиш зарур. Бу биз-
нинг бурчимиз, бу бизнинг
вазифамиздир.

Николай Александрович
Тихонов ерларни мелiorа-
циялашнинг 2000 йилгача
даврага бўлганларини ҳамда
СССР Министрлар Совети
ишлаб чиққан ва Марказий
Комитет Сиёсий бюроси
тасдиқлаган пилани муфас-
сал баён этиб беради.

Бугун қабул қилинадиган
қарорлар шубҳасиз ерлар-
нинг умумдорлигини оши-
риш учун курашда ян-
ги катта босқични оча-
ди. Нисбатан қисқа му-
датлар ичида сугориладиган
ва захи қочирилган экин
майдонларини бир ярим ба-
равар кенгайтириш кўзда
тутилган, бу эса улардан
деҳқончилик маҳсулотлари
олинишини икки баравар кў-
пайтириш имконини беради.
Натижада мамлакат об-ҳаво
ўзгаришларидан қатъий на-
зар жами деҳқончилик маҳ-
сулотининг қарийб ярмини
олдиган бўлиб қолади. Бу
ўртоқлар, энг асосий маса-
ладир.

Бундан гап фақат ишнинг
кўламидангина эмас, ваҳолан-
ки бу кўламлар жуда катта
эканлигини ўзларининг кў-
риб турибсиз. Масаланинг
моҳияти ерларни яхшилашга
доир ишларнинг сифат жи-
ҳатидадир. Саноат негизда
қишлоқ хўжалик маҳсулотла-
ри етиштириш гарантислан-
ган катта-катта зоналарни,
дон, ем-хашак, сабзавот
етиштириладиган ўзига хос
фабрикаларни вужудга кел-
тириш назарда тутилмоқда.
Ўз-ўзидан равшанки, бу иш-
ларни замонавий инженер-
лик системаларида, аслида
автоматлаштирилган систе-
малардан фойдаланган ҳол-
да бажариш керак. Яқинла-
нган ерларда биринчи навбат-
да илмий асосланган деҳқон-
чилик усуллари қўлланили-
ши, энг яхши навлар ва гиб-
ридлар экинлиш, ялғор те-
хнология, ҳосилни програм-
малаш жорий этилиши ло-
зим.

Тўғрисиини айтганда биз ил-
гари қишлоқда принципиал
янги характердаги шун-
дай вазифаларни ўртага қў-
йиб ва ҳал этиш тўғрисида
орзу ҳам қила олмас эдик.

Эндиликда бизнинг бундай
имкониятларимиз бор. Ил-
гари хўжаликлар тарқоқ ва
бунинг устига кам умумий
техникани олишган бўлса,
ҳозир машинасозлик энг
замонавий машина комплек-
лари ва системаларини иш-
лаб чиқаришга ўтмоқда.
Ўсимликларни ҳимоя қилиш-
нинг самарали химиявий во-
ситалари, интенсив тилдаги
экин навлари ва гибридлари
яратилди. Минерал ўғитлар
ишлаб чиқариш кўпаймоқда.
Қишлоқ хўжалигининг ҳозир-
ги вақтда малакали мута-
хассис кадрларга ва йил-
ишлаб чиқариш ташкилот-
чиларига эга.

Қишлоқ хўжалиги ва сано-
атини интеграциялашнинг асо-
сий формаси бўлиши агро-
саноат биришмалари айниқса
район бўғинида тобора қў-
чаймоқда. Қишлоқда иқтисо-
дий механизм изчиллик би-
лан тақомиллаштирилмоқда,
бригада пудрат ривож-
лантирилмоқда. Энди гап
мана шу барча янги имко-
ятларни максимал даражада
ишга туширишда қолади.

Ўртоқлар, аввало қишлоқ
хўжалиги маҳсулдорлиги-
ни ошириш тўғрисидаги ғам-
хўрлик ерга — бизнинг энг
қийинмати бойликларимиздан
бирмута бошқача муносабат-
да бўлишни тақозо этди.
Сугориладиган, захи қоч-
рилган ерларни эса ана ҳам
аввалдаб асраш керак. Ғайла-
корнинг тилида бу гап яхши.
ланган ҳар бир гектар ерга
зарур бўлган ҳамма нарсани
сарфлаш, унга бутун қалбини
бағишлаш кераклигини бил-
диради. Ўшанда ер саҳийлик
билан самара бераверади.

Шунга асосланиб кераки-
ни, кўпгина мелiorация том
матнода хўжаликларини ва
бутун-бутун районларнинг
янада қобилиятини белгила-
берилади. Саратов областини
олиб кўриб. Бу ерда шу қад-
ар тез ва қаттиқ қурғоқчи-
ликлар бўлиб турадики, яқин
ўтмишда қўпгина хўжалик-
лар неча йиллар мобайнида
ем-хашак қаҳаратчилигидан
қутула олмай келишар эди.
Сув келиши билан кишилар
ишонч ҳосил қилиб, истиқ-
болни қўриганиларини, ях-
широқ янаб, яхшироқ меҳ-
нат қила бошлаганларини
ўртоқ В. К. Гусев менга
сўзлаб берди. Сугориладиган
экин майдонини ярим милли-
он гектарга етган ҳозирги
пайтда область давлатга чор-
вачилик маҳсулотларини сотиш
планларини барқарор бажа-
риб келмоқда. Аҳолини саб-
завот билан таъминлаш про-
блемаси ҳал этилган.

Сугорини Ставрополь ўл-
касидаги Ногай дашти каби
азалий унмисиз ерларнинг
қиёфасини ҳам ўзгаришти-
рибди, деса бўлади. Ўртоқ
Н. Д. Терещенко раҳбар-
лик қилаётган «Путь к ком-
мунизму» колхозида суго-
риш системаси яратилгандан
кейин кўп йиллик ўтлар ва
силослоб экинлар ҳосилдор-
лиги 128 центнер озуқа бир-
лигига етди, ваҳолонки ил-
гари атиги 5 центнер озуқа
бирлигини ташкил этар эди.
Донли экинлар ҳосилдорлиги
уч баравар кўпайди. Мели-

орация мана шундай гойат
катта имкониятларга эга!
Ўртоқлар! Ерларни яхши-
лашнинг умумдават про-
граммасини амалга ошира
бориб, капитал маблаг сарф-
лаш ва маҳсулот етиштириш
соҳасида қайси бирини усту-
н қўйишни тўғри танлаб олиш
жуда муҳимдир. Янги планда
қишлоқ хўжалигининг дон ва
ем-хашакни кўпайтириш ка-
би энг муҳим проблемалари-
ни ҳал этишга афзаллик бе-
рилади. Сабзавоткорлигини суг-
оришга ўтказиш низоҳатда
етказилиши ҳам муҳимдир.

Проблеманинг территориял
жиҳатига келганда шунинг
айти керакки, сугоришга до-
ир энг кўп ҳажмдаги ишлар
ни бажариб тўла асос билан
мамлакат жануби сари бор-
моқдамиз. Жанубда ерлар
яхши, иссиқлик етарли, меҳ-
нат ресурслари мавжуд, бош-
қа сўзлар билан айтганда
энг кўп самаратга тезроқ эри-
шилади. Ноқоратупроқ зона-
да мелiorация ишлари да-
вом эттирилади, бу эса шу
зонанинг қиёфасини ётарти-
ришда муҳим роль ўйнайди.

Мелiorацияни кенг қў-
ламда авж олдиришга кири-
ша туриб, аввало сугорила-
диган ва захи қочирилган
ерлардан фойдаланиш сама-
дорлигини тубдан ошириш
тўғрисида ғамхўрлик қилиш
лозим.

Мамлакатда ҳозирча суго-
риладиган экин майдонлари-
нинг атиги учдан бир қисми.
Да лойиҳада белгиланган ҳо-
силдорликка эришайотган
йил кечириб бўлмайдиган
қолдир. Беларуссия, Молда-
вияда, Россия Федерацияси-
нинг деярли ҳар икки обла-
стида бирди яхшилланган
ерлар умумдорлигини кўп йил-
лар мобайнида оширилма-
ли. Масалан, Ростов обла-
стида сугориладиган ерлардан
Қрим областига қараганда
деярли бир ярим баравар
кам дон, ем-хашак ва бошқа
маҳсулот олмақларда. Ҳол-
буки, уларнинг дашт район-
ларидаги табиий шароитлари
тахминан бир хил.

Сув хўжалиги қурилиши
базисда узоқ йил хизмат
қилиниши ва мелiorация
системалари юксак самара
беришини ҳисобга олмай си-
фатсиз ва ноқомилек олиб
борилаётганлигидан ҳам биз
қаноят ҳосил қила олмаймиз.
Бир қанча областларда ме-
лиорация системаларидан
фойдаланиш ўз ҳолига таш-

ўла мос эканлигини уқти-
иб ўтди.

ОЛМАЛИҚ гилам фабрикасида кўллаб сифат жонқуярларини учратиш мумкин. Улар ўзлари аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга бошқаларни ҳам шунга даъват этишди. Сантала Раҳматова (суратда чапдан) ва Надежда Кострикина ана шулар жумласидандир. Илғор ишчиларга давлат сифат белгиси билан савдо тармоқларига жўнатиладиган маҳсулотларини ишлаб чиқариш ишониб топширилган.

В. Сироткин фотолари.



Касаба созлаарида ҳисобот-сайловлар

ИШ ШАРОИТИ СОЗ БЎЛСИН

ПОЯТХТ областимизда озиқ-овқат саноати юксак даражада ривожланган. Ўнлаб бирлашмалар ва корхоналар совет ишчиларининг кундалик эҳтиёжлари учун турли-туман озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдалар. Саноат бу тармоғи тараққиётини шу мисолда ҳам кўрса бўладики, ҳозирги вақтда биргина Янгйўлдаги ёр-мой комбинати Улут Октябрь социалистик революциясидан илгари бутун республикамизда ишлаб чиқарилганга нисбатан кўпроқ маҳсулот бермоқда.

Шу кунларда озиқ-овқат саноати корхоналарида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини катта меҳнат тортиқлари билан нишонлаш, ун биринчи бўлиб йиллик топшириқларини тўла-тўқис бажариш учун бораётган социалистик мусобақа аяда авж олиб кетди. Шунинг учун ҳам давлат пландари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятлар шараф билан бажариламоқда. Биргина шу йилдан ўтган тўққиз ойда пландагидан ташқари 20 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди.

Область озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзининг XIII област конференциясида ҳисобот доклады қилган озиқ-овқат ишчилари касаба союзи област комитетининг раиси М. Аҳмаднов ва музокаларда ишти-

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ИШЧИЛАРИ КАСАБА СОЮЗИНИНГ XIII ОБЛАСТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

рок этган Тошкент булкандитер комбинатининг бригад бошлиғи, област «Лаззат» мукофотининг лауреати З. Умаров, Тошкент тамаки фабрикаси контролери, касаба союзи комитети раиси Г. Лебедева, «Балиқчи» бирлашмаси балиқчиси, област «Лаззат» мукофотининг лауреати, ёш ишчилар мурабийси Э. Имомназаров ва бошқа нотиклар бундай меҳнат ютуқларига бошқа омилар қатори корхоналарда меҳнат шариоитини яхшилаш, техника хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида эришилганлигини алоҳида таъкидладилар. Тармоқ корхоналари маъмуриятлари билан касаба союзи ташкилотлари меҳнат муҳофазасини кучайтириш, сермеҳнат жараёнларини механизациялаш, мураккаб ва оғир жараёнларини машина-механизмлар елкасига юклаш бўйича қатор тадбирларини амалга оширдилар, жамоат кўриклари ўтказилди. Бу масала област касаба союзи комитетининг пленумида муҳокама қилинди.

Шулларнинг ҳаммаси саноат корхоналарида иш маданиятини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Бу соҳада, айниқса, Тошкент сўт саноати ишлаб чиқариш бўлиб, Чирчиқ гўшт комбинати, Янгйўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш, «Ташкентивто» бирлашмаси ва бошқа корхоналар коллективлари яхши кўрсаткичларга эришдилар. Кўриклар давомида ишлаб чиқариш даражасини янада оширишга қаратилган 140 дан ортиқ таклиф тўғрисида уларнинг деярли ҳаммаси амалга оширилди.

Корхоналарда иш шариоитини яхшилаш билан боғлиқ бўлган 130 дан ортиқ текширув амалга оширилди. Бунинг натижасида биргина меҳнат муҳофазасини яхшилашга қаратилган 3 мингта яқин тадбир белгиланди. Айрим корхоналар раҳбарлари ва касаба союзи ташкилотлари бу тадбирларини амалга оширишга етарли эътибор бермадилар. Шунинг учун ҳам Тошкент картон тараси заводи, Янгйўл нон заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида улар ўлда-жўлда қолиб кетди.

Давлат ишчиларининг меҳнатини муҳофаза қилишга катта маблағлар ажратмоқда. Областида озиқ-овқат саноати корхоналари бўйича ҳар йили бу мақсад учун 1,5 миллион сўмликдан кўпроқ пул сафланаяпти. Агар ун ҳар бир ишловчи ҳисобига тақсимлайдиган бўлса, 60 сўмдан тўғри келади. Бу ун биринчи беш йилликдан олдинги йиллардагига нисбатан

деярли икки баравар кўпдир. Ишлаб чиқаришда умумий жараҳатланш ҳисобот даражаси 18,5 процент кемайди. Лекин барча корхоналарда бу муҳим масалага лозим даражада эътибор берилганлиги натижа аяда самарали бўлди. «Ташхлеб» бирлашмаси корхоналарида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида, гўшт ва сўт саноати ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналарида ажратилган ана шундай маблағ тўла фойдаланилмаяпти.

Конференцияда касаба союзи ташкилотлари ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланишга эришдилар. Ишчи-хизматчиларнинг иш ва турмуш шариоитини яхшилаш, меҳнатдаги фаолиятларини янада кучайтириш юзасидан ҳақиқат кўпи ишчилар лозимлиги таъкидланди. Улар меҳнат коллективларининг куч-гайратини олдирилди турган вазифаларини, давлат пландари ва социалистик мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишига сафарбар этишга кўпроқ ҳисса қўшишлари лозимлиги унтинди.

Конференцияда Тошкент област партия комитетининг секретари М. Қ. Қодиров нутқ сўзлади. Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди, озиқ-овқат саноати ишчилари касаба союзи област комитетининг янги состави сайланди.

«Ташобмелиноводстрой» қурилиш бошқармаси коллективни областимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга даъват этилган. Улар бунга яхши тушунган ҳолда фидокорона ишламоқдалар. Давлат пландарини муваффақиятли бажариш, янги оби-ҳаёт тартибларини киритиш, мавжуд экин майдонларини текислаш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар.

Бошқармада социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилганлиги коллектив фаолиятига икбоний таъсир кўрсатмоқда. Барча механизациялашган кўчма колонналар, участкалар, бригадалар ва кўпгина айрим бинокорлар ва монтажчилар ўзaro беллашмоқдалар. Улар меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришиш учун бир-бирларига шогирдлик қилишмоқда. Илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини ўзaro ўртоқлашмоқдалар. Ёш қўйилган камчиларини бартараф этишда эса кўмаклашмоқдалар.

Механизациялашган кўчма колонналар ўртасидаги социалистик мусобақада 7-коллонна коллективи ҳам фаол қатнашиб, катта меҳнат ютуқларини қўлга киритмоқда. Деярли барча кварталлар яқинлари бўйича мукофотли ўйинларни эгалламоқда. Ўн биринчи беш йиллик сўртчи-йилчининг ўтган кварталлари мобайнида ҳам биринчи ва иккинчи ўринларини қўлга киритди.

Юбилей йилнинг ўтган кварталларини яхши аяқунди, — дейди коллонна бошлиғи Ёлдош Юнусов. — Коллективимизнинг бир екадан беш чиқариб ишлаганлиги, меҳнат интизомини, қатъий амал қилишга, мавжуд асос-усуналардан самарали фойдаланишга ютуқларини оқиниб бўлди. Ўтган тўққиз ойда йиллик қурилиш товар маҳсулотини планини деярли бажариб қўйдик. Яна 100 минг сўмлик ишни амалга оширсак йилни аяқундиқимиз.

Ҳақиқатан ҳам бу коллонна коллективи давлат пландарини бажаришда мусобақадошларига ўрнат бўлмоқда. Ҳар ойда қўшимча ўнлаб минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқда. Коллонна бошқармасининг кежа бўлинимаси ҳисобланади. Унинг ташкил этилганлиги эътибори уч йил бўлди. Дастлабки йили 500 минг сўмлик ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини амалга оширган қурувчилар бу йил унга қараганда беш баравар кўп ишларни бажаришга аҳд қилганлар.

Коллонна коллективи областимизнинг Оққўрғон ва Ғалаба районларида қурилиш ишларини амалга оширмоқда. Ўтган йиллар ичида бу районларда йрик саноат базалари барпо этилди. Ремонт устaxonаси қурилди, оморхоналар, қатор маълум ишга тушдирилди.

Бундан ташқари Оққўрғон районидида 2 та канал реконструкция қилинди, 18 километр узунликдаги канал-

лар бетонлаштирилди. Ана шу ишлар тўғрисида райондаги 2500 гектар ерин сув билан таъминлаш сезиларли даражада яхшиланди. Ангрен дарёсининг чап қирғоғини мустаҳкамлаш бўйича ишлар амалга оширилди. Бу ерда йрик тўғон қурилиб, шағал билан мустаҳкамланди. Бунинг натижасида Ангрен дарёсининг чап қирғоғи ўзанида 50 гектар ер ўзлаштирилди. Ғалаба районидида Волков номли совхозда тўқайзор ва қамишзор бўлиб 35 гектар ер қишлоқ хўжалиги оборотида киритилди.

Умуман, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида коллективнинг фидокорона меҳнати тўғрисида 272 гектар ерининг мелiorатив ҳолати яхшиланди. 298 гектар майдон капитал текисланди. 4 километр узунликда тарновлар қурилиб, 500 гектар ерининг сув таъминоти яхшиланди.

Коллонна коллективи меҳнат унумдорлигини пландаридан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннарини қўшимча ярим процент кемайтириш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида бажонидил иштирок этмоқда. Умуман, коллоннада меҳнат унумдорлиги жадал ошаётганлиги эътиборига сазовордир. Уч йил давомида бу муҳим кўрсаткич 25 процент ортиди. Ҳар бир бинокор ҳисобига бажарилаётган

иш ҳажми 18 минг 125 сўмга етди, фангатиша шу йилнинг ўтган тўққиз ойида унумдорлигини пландаридан ташқари ошириш ҳисобига 40 минг сўмлик иш бажарилиди. Айни вақтда маҳсулот таннарини ҳам назарда тутилганидек кемайиб бора-япти. Бу кўрсаткич бўйича мажбурият сентябр ойида бажариб қўйилди. Ил охиригача яна 15 минг сўмлик қўшимча жамғарма олинди.

Бундай катта меҳнат ютуқларига ишлаб чиқариш илгорларини муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айниқса, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ун биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш билан қутиб олишга аҳд қилган ташаббускорларнинг гайратшижоати ўзгача бўлмоқда. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтдаёқ бу вазифаларининг тўла ва ошириб адо этишга эришилди. Меҳнат зарбдорларидан бўлдоэричи Абдуҳаким Ғаммулов ун биринчи беш йиллик бошидан бери 521 минг куб метр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажарди. Ҳозир унинг меҳнат календарига 1986 йил зарвариги очилган. Бульдозерчи Ударис Загреддинов 422 минг куб метр тупроқ қазиб, шу кунларда келгуси йилнинг охириг ойлари ҳисобига ишламоқда. Экскаватор машинисти Иван Применко, унинг касбдоши Александр Крицкийлар ҳам вақтдан бир йил ўзиб кетди.

Коллонна участкаларида

бригада пудратининг жорий қилинишига катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кўпчилик коллективлар пудрат асосида ишламоқдалар. Бундай бригадалар ердами билан жами бунёдкорлик ишларининг 68 проценти амалга оширилмоқда.

Шу кунларда коллонна коллективи киш мавсумида пухта ҳозирлик кўрмоқда. Майдонлар экинлардан тозалангач, 210 гектар ер қайта текисланди, 500 гектар экин майдонининг мелiorатив ҳолати яхшиланди, қатор эски каналлар реконструкция қилинди, уларнинг беш километрга бетон эткизилди. Оққўрғон районидида эса тупроқ захини қочириниш учун 40 километр узунликдаги зовурлар қайта тикланди.

Коллонна бинокорлари бу вазифаларини ҳам шараф билан ундашаш учун барча имкониятларни ишга солишни режаллаб қўйди. Лекин улар шу масалада айрим муҳоказаларини ҳам ўртага ташламоқдалар. Масалан, ер текислаш ишлари сифатли бўлиши учун механизаторлар бутун йил давомида ана шу юмуш билан шугулланишлари керак. Айниқса, ёш мавсуми бунинг учун жуда қўлайдир.

Аммо амалда бундай бўлмапти. Колхозлар ва совхозлар бу иш фронтини фақат қишда яратиб берадилар. Ераларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш учун ҳам ер фонлари ажратиб берилмапти. Бу ишларни ҳам фақат қиш фаслида амалга ошириш мумкин. Бундай вақтда эса лойғарчилик бўлиб, механизаторлар ҳам тез-тез бузилди туради, энг муҳими ер текислаш ишлари кўнглидагидек чиқмайди. Оқибатда буортмачи билан бажарувчи ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлади. Бу эса деҳқончиликка фойда келтирмайди.

Механизаторлар коллонна жойлашган жойдан анча узоқ бўлган ерларда ишлашга, Бунинг учун уй-вагон келтириб қўйилди. Лекин мелiorаторлар Тошкентдаги тажриба-механика ремонт экскаватор заводида ишлаб чиқарилаётган бундай уйлардан кўнглиллари тўлмапти. Чунки, бу бошлангич том қисми жуда юққа. Ёзда унинг ичидаги иссиқлик 50 даражадан ҳам ошиб кетади, қишда эса иситиш жуда мушкул. Ҳамма жойга элктр энергиясини етиб берадиганлиги сабабли совутиш ва иситиш воситаларидан фойдаланиш мумкин бўлмапти. Бунинг устига вагончаларнинг сифати ҳам кўнглидагидек эмас. Уларни тез-тез ремонт қилиб турнишга тўғри келяпти.

Мелiorаторларнинг бу фикрлари жуда ўринлидир. Шунинг учун ҳам мутасадди ташкилотлар раҳбарлари уларни ҳисобга олишлари керак. Бу мелiorаторларнинг йил бўйи бир маромда ишлаши, меҳнат шариоити қўлай бўлишига ердан беради.

Т. ШОУСУПОВА, Ўзбекистон ССР Мелiorация ва сув хўжалиги министрининг матбуот маркази ходими.

Хасковска ТРИБУНА

САФИФАРИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БУЮРТМАЛАРИ — МУДДАТИДАН ОЛДИН

ХАСКОВОДАГИ металл қирқувчи машиналар заводи коллективни ана шундай ватанпарварлик ташаббуси билан чиққан эди. Машинасозлар ваъдаларига яраша меҳнат қилмоқдалар. Улар СССРга шартнома бўйича белгиланган машиналарни етказиб бериш топширигини муддатидан илгари бажардилар. Бунда корхонанинг Никола Петров бошлиқ бригадаси коллективнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Улар заводда биринчилар қатори йиллик топшириқни бажаришди. Пешқаддам коллектив йил охиригача планга қўшимча равишда 15 та машина тайёрлашга қарор қилган.

ПАХТАЧИЛИККА ЭЪТИБОР

КЕИНИНГИ ЙИЛЛАРДА Симеоновграддаги аграр-саноат комплекси деҳқонлари қимматбаҳо техника экин — пахта етиштиришнинг кўпайтиришга жиддий эътибор бермоқдалар. Жумладан бу йил комплексида 2 минг тоннага яқин пахта етиштириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунларда пахторлар ҳосилин янгиштириб олишга киришдилар. Комплексида йил-терим ишларини механизациялашга катта эътибор бериляпти. Бунинг учун пахта терим машиналари сони 22 тага етказилди. Механизаторлар далада етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини «зангори кема»лар ердамида териб олишга сўз берганлар.

ВАҚТДАН ҒЗИБ

ДИМИТРОВГРАДАГИ «Маршиш бассейи» кўйири қонига Костадин Калудов бошлиқ прохадчилар бригадаси аъзоларининг довури бутун округга ёйилган. Моҳир прохадчилар Болгарияда социалистик революциянинг 40 йиллиги шарафига анималарга олган социалистик мажбуриятларини ҳам адо этишди. Улар қонда биринчилар қатори беш йиллик планини бажардилар. Бригада коллективни мунтазам равишда смена топширигини 150 процент қилиб ўринляпти. Меҳнатдаги юксак натижалари учун бригада бошлиғи Костадин Калудовга «Хизмат кўрсатган шахтер» фахрий унвони берилди.

КЎРКАМ ВА ОБОД

Болгария шаҳар ва қишлоқларини ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш бўйича Миллий фронт кенгаши томонидан ўтказилган мусобақага яқун аслади. Қишлоқларда ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш ишларини намунали ташкил этганлиги учун Хасково округи иккинчи ўринни олди ҳамда Миллий фронт кенгашининг фахрий ерлиги, Қизил байроғи ва пул мукофоти билан тақдирланди. Ободонлаштириш ва кўкалмазорлаштириш мусобақаси якунларига қўра Хасково округининг Свиленград, Любимен шаҳарлари ва Малко градиче қишлоғи ҳам голиблар қаторидан ўрин олди.

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН

Керамика комбинати коллективи Ангрен саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг пешқадамлари сафида бормоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун зўр гайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар ойллик топшириқларини доим ортиги билан адо этмоқдалар. Ўтган тўққиз ойда ҳам энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича планини анча зиёда билан ундашди.

Йил бошидан бери республикамиз қурилишлари учун 619 минг квадрат

метр қошиқкор керамика плиталари етказиб берилди. Бу билан план 1,8 процент ортиги билан адо этилди. Қўшимча ишлаб чиқарилиб, қурилишларга жўнатиладиган бундай маҳсулот миқдори 11 минг квадрат метрни ташкил этди. Корхона коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннарини кемайтириш юзасидан белгиланган марраларини муваффақиятли эгалламоқда. Керамикачилар қўлга киритилган бу ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдиришмоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ.



ФАН БИДЪАТНИ ФОШ ЭТАДИ

ЁНАР БУЛОҚЛАР ВА ЁНМАС МАДДОХЛАР СИРИ

ТАБИАТДА «мўжизали» нарсаларга тез-тез дуч келасан, киши. Баян олдиндан ёниб турган булоқ чиқиб қолади. Бошқа пайтда эса ёниб турган гулханга кийим-боши билан кирган маддоҳнинг олов ичидан ҳеч нарса бўлмагандек чиққанлигини кўрасан. Дан сирларидан воқиф бўлган кишиларгина бунни илоҳий куч билан боғлашлари мумкин. Аслида эса бундай «мўжизалар» осонгина эзоҳланади.

Бундан 3 минг йил муқаддам Геродот асарларида Кичик Осиёнинг жанубий қирғоқларида пайдо бўлган мангун алағча ҳақдаги маълумотлар келтирилган. Греклар бунинг сирини билмасдан оловнинг ер ва осмондаги ҳудудига маскид барпо этганлар. Унга олов билан нафас оладиган «фантастик мўжиза» — Химера деб ном қўйганлар. Химера тоғидида алағчани ўтган аср охирида ҳам кўриш мумкин эди. Олимлар бу «мўжизани»нинг ер усти қисмига кўтарилган ва тасодуфий учкундан ўтган газдан бошқа нарса эмаслигини исботлаб бердилар.

Эрон, Ироқ, Хиндистояда, мамлакатимизда Озарбайжонда ҳам ёнар булоқлар борлиги қадимлардан кишиларга маълум бўлган. Озарбайжондаги Ашшерон ярим оролидаги қураҳанда ҳам оловга сингувачилар маскиди мавжуд. У VII асрда ер ёригидан газ ажралиб етган жойда қурилган. Кейинчалик маълум бўлишича бу газ маскидида гил қувурлари орқали келтирилган экан. Дин пешвалари эса бундан усталик билан фойдаланиб, узоқ йиллар давомида алом ҳалқини лақиллаштириб келганлар.

Умуман олганда ҳозир турмушимиздан мустақам ўрин олган газдан жуда кўпим замоналардан бери фойдаланиб келинган. Археологик топилмада Озарбайжон ва Карпатда газ ёрдамида оқват пилирилганлиги ва турар-жойлар иситилганлигини исботлади. Қадимий Хитойда эса бундан ноз неча минг йиллар муқаддам табиий газ ёрдамида маскидлар ёритилган ва иситилган. У бу ерларга бамбук қувурлари орқали келтирилган.

Маддоҳлар гулханда ёнмасликларининг сирини ҳам мурак-

каб эмас. Ҳозирги пайтда бундай кўзбўямачиликлари циркларда ҳам томоша қилиш мумкин. 30-йиллар бошларида эса мен ўз кўзим билан Тошкентда бозор кунларда катта гулханлар ёққанлигини кўрган эдим. Бу ерларга тумонат одам тўпланар ва гулхан атрофида жудур кийим кийган, белига «қовоқ» оingan бош маддоҳ 5-6 нафар исқирт либосли маддоҳларини эргаштириб дийдилар ўқир эди.

Айлиб-ю айлибларга сўгиниб айтилган ривоятлар сўнгиде бош маддоҳ ҳарир оқ либос — қўйлақ-иштончу салбас билан ёниб турган алағча иккинчи ёқдан ҳеч нарса бўлмагандай чиқиб кетар эди. Бу «мўжизани» кўрган алом ҳалқ мушугидан тортиб, тўясиғача маддоҳларга инъом этар ва улардан дуо олар, орзу-умидларини рўёбга чиқаришларини сўраб, ялиниб-ёлборарди.

Кейинчалик фирн сирларидан хабардор бўлгандан сўнг маддоҳларнинг ўтда ёнмасликларининг асосий сабаби улар либосида эканлигини билдим.

Маддоҳларнинг ҳарир кийимлари тошпахтадан тўқилган матоддан ишланган экан. Тошпахта — яъни асбест минералининг ташки қурилиши пахтага ёки товланувчи ипака ўхшади. Ўзи «асбест» сўзи ҳам грекча «ёнмайдиган», «бузилмайдиган» деган маънони аниглайди.

Асбест кўллаб ингичка ва нозик толалардан ташкил топган бўлиб, улар жуда пишиқ, эгилювчан, юқори ҳароратга чидамли бўлади. Илмий текширувлар тошпахта 1750 даража иссиқ ҳароратга чидашини кўрсатган. Шундай бўлган, тошпахтадан тўқилган матодан либос кийган маддоҳ иссиқлик ҳарорати 400 даража бўлган алағча орасидан ўттишида бирор «мўжиза» йўқ.

Асбест миллидан 1300 йил илгари ҳам маълум бўлган энг қимматбаҳо ва табиятда камдан-кам учрайдиган хом ашё ҳисобланган. XIX асрнинг бошларидан ундан турмушда ҳам фойдаланиш имкониятлари тугилди. 1806 йилда италиялик Елена Перпенти асбестнинг соф ўзидан (каноп аралаштирмай) мато тўқиш усулини топди. У тошпахтадан нозик тўр тўқишга ҳам мус-

сар бўлади. Кейинчалик эса ундан турли қоғозлар, иссиқлик чидамли бошқа нарсалар ясабо бошланди. Тошпахта матоси ўзи даврларда Италиядан араб мамлакатлари орқали қадим Туркиястонга фирибгар маддоҳлар либоси ҳолида етиб келган. Маддоҳлар ундан маҳаллий халқни лақиллаштиришга усталик билан фойдаланишган. Ҳозир эса тошпахта ҳаммага фойдали хизмат қилмоқда. Бунинг ҳеч бўлмаसा дээмоқ босадиган уй бекалари яхши билишди. Чунки дээмоқ иситишчи тошпахта билан муҳофаза қилинган.

Замонавий фан ютуқларидан хабардор бўлган кишилар табиятда гайри-табиий нарсалар бўлишига ишонмасликларини шарт. Мабодо улар бирор мўжизали воқеадан хабар топсалар ҳам бунинг асл моҳиятини шайларнинг тўқима ривоятларидан эмас, балки илм ҳазиналаридан налшалари даркор.

М. ЗОКИРОВ, геология ва минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ҲАРБИР ХОНАДОНГА

Областимизда янги йил матбуоти учун обуна тўплаш ишлари қизғин давом этмоқда. Кейинги ўн кунликда Охангарон районидида обуна тўплаш суръати 17,5 процентга, Ғалаба районидида 22 процентга, Ангрен шаҳрида эса 13 процентга ўсди. Маҳаллий партия, касаба союзи ва комсомол ташкилотлари обуна ишлари билан жиддий шугулланмоқдалар. Шу босондан ҳам кўпгина жойларда бу кампания ўз муддатларида ниҳоятга етмоқда.

Тошкент район партия комитетидида бўлганимизда кенгаширинг устидан қишлоқлик. Бошлангич партия ташкилотлари секретарлари обунанинг бориши тўғрисида ҳисобот беришгаётган экан. Илмий номли, Навоий номли, Ленин номли, К. Маркс номли колхозларда ўтган йилги миқдордан 10—12 процент кўп обуна тўпланибди. Бошқа хўжаликларда ҳам обуна ишларини 25 октябргача тугаллаш тадбирлари кўриломоқда.

Тошкент районидида К. Маркс қишлоқ Советида тугалланган кўнглили халқ дружиначилари пости жамоати тартибинин сақлаш юзасидан тугалланган аниқ тадбирлар асосида ҳаракат қилиб, А. Навоий номли колхоз териториясида майда безорилик, тартибсизлик ва ичкилик бозилининг кемайишини таъминламоқдалар. Бу иш-

да улар участка инспектори, милиция катта лейтенанти А. Халилов билан мутасаммақ бораганлар. 16 нафар халқ дружиначисидан ташкил топган гуруҳга колхоз қабул пунктининг мудири З. Омонов бошчилик қилди. Дружиначилар кеч соат 18 дан тунги соат биргача колхознинг Навоий ва Гулистон участкала-

бормайди. Негадир Калинин райони хўжаликларидида ҳам бу кампания суст бормоқда. Партия ташкилотлари обуна масаласи билан жиддийроқ шугулланмайлари.

Шу босондан ҳам қақат «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўзига бултургидан 800 нусха кам обуна бўлиди. «Советская культура», «Социалистическая индустрия» каби газеталарга ҳам обуна ниҳоятда суст борапти. Ўтган йилдаги сурбат бу йил районларда сезилмапти. Ингнобод, Янгйўл, Бенкбод шаҳарларида обуна ишлари негиз ўлда-жўлда деб сўрасангиз, пахтани вақ қилиб кўрсатишди. Одамлар хашарга кетгани учун обуна тўхтаб қолган эмис. Бизнингча, бевосита пахтазорларда, дала шийпонларида обуна ишлар

